

Қироат дарслари бошланди



12:23 / 08.08.2023 1524

Аввал хабар берганимиздек, имом-хатиб ва имом ноиблар учун «Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудирини шайх Алижон қори Ҳайдаров бошчилигида ҳафта давомида икки марта онлайн Қироат дарслари ташкил этилди.

Мазкур дарсларнинг илк машғулоти «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти имом-хатиб ҳамда имом ноиблари ўқув машғулотида бевосита иштирок этган бўлса, республиканинг 80 та нуқтасидан йиғилган тингловчилар ZOOM платформаси орқали қатнашди.

Илк маҳорат дарсида малакали 14 нафар қори устоз тингловчиларга таништирилди, улардан ҳар бир ҳудудга бир нафардан масъул тайин этилди.



